

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия ички ишлар вазири Сулаймон Сойлуни қабул қилди.



Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида амалий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида вазир Сулаймон Сойлу давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Туркия томони саъй-ҳаракатларни самарали мувофиқлаштириш ва хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида тизимли идоралараро шерикликни йўлга қўйишга тайёр экани қайд этилди.

Сухбатда фаол мулоқотларни, ахборот алмашишни ва илғор тажрибани ўрганишни давом эттириш, уюшган, шу жумладан, кибермакondaги жиноятчилик, терроризм, диний экстремизм, наркотрафик ва ноқонуний миграцияга қарши курашиш бўйича қўшма тadbirlar ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ТАШҚИ СИЁСИЙ ИДОРАСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 28 июль куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг пойтахтимиздаги йиғилиши тadbirlarидида иштирок этаётган Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Сухбатда Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари кун тартибидидаги долзарб масалалар батафсил кўриб чиқилди.

Минтақадаги вазиятга ҳамда халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорлик жиҳатларига, шу жумладан, ШХТ саммитига тайёргарлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ташқи ишлар вазири Ўзбекистон етакчисига Россия

Президенти Владимир Путиннинг салом ва самимий тилаklarини етказди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали амалий ҳамкорлик жадал ривожлантириш бо-раётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми барқарор юқори суръат билан ортиб бормoқда. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш

32 фоизга ошди. Қўшма Лойиҳа офисининг фаолияти доирасида қарийб 40 та йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув йўналишида самарали ишлар олиб борилмоқда. Кейинги бир неча йилда Ўзбекистонда Россиянинг 12 та етакчи олий таълим муассасасининг фаолияти йўлга қўйилди.

Минтақавий, шу жумладан, “Марказий Осиё — Россия” форматидидаги ҳамкорлик истикболлари юзасидан фикр алмашилди.

Афғонистондаги вазиятнинг тинчлик йўли билан ҳал этилишига ва ушбу мамлакатнинг иқтисодий тикланишига кўмакни кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАҒАҚАТ ШҲТ МАКОНИДА, БАЛКИ УНИНГ САРҲАДЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИККА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Тошкентда учрашмоқда.

28-29 июль кунлари Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши юзма-юз мулоқот тарзида бўлиб ўтмоқда. Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг ШХТга амалдаги раислигининг энг муҳим воқеаларидан биридир.

Халқаро анжуман

Тadbirlar ШХТга аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари раҳбарлари, шунингдек, ШХТ Бош қотиби ва Минтақавий ақсилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия қўмитаси директори иштирок этади.

Йиғилишда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган мажлисига тайёргарлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Учрашув ақунлари бўйича ШХТнинг навбатдаги саммити учун салмоқли ҳужжатлар тўпламининг маъқуллини қутилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон томони ташаббуси билан ишлаб

чиқилган Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш мажмуавий режаси, Ўзаро боғлиқлиқни ривожлантириш ва самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича ҳамкорлик концепцияси, Ишбилармон доиралар ўртасида саноат кооперациясини рағбатлантириш дастурлари, “ШХТ эзгу ният элчиси” фахрий унвони тўғрисидаги низоми ва бошқалар бор. Йиғилишда ШХТга аъзо давлат, кузатувчи давлат ва ШХТнинг мулоқот бўйича ҳамкори мақомини олиш учун тушган аризалар кўриб чиқилади.

➡ 2

Билавал Бхутто-Зардорий: БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ УЧУН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг йиғилиши арафасида Покистон ташқи ишлар вазири Билавал Бхутто-Зардорий «Дунё» АА муҳбирига интервью берди.

Интервью

— Ҳурматли вазир жанoбла-ри, Сизнинг фикрингизча минтақа ва жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар ҳисoбга oлинган ҳoлда замонавий бoсқич-

да ШХТ oлдида қандай хавф-хатарлар ва вазифалар турибди?

— Глобал геосиёсий вазият мураккаб ва чуқур ўзгаришлар-

ни бошдан кечирмоқда, бу минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва иқтисодий ривожланиш учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. COVID-19 пандемияси савдо оқимларининг ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига, ишсизлик ва инфляциянинг ўсишига олиб келдики, бу ШХТга аъзо давлатларнинг ривожланиш динамикасига ҳам салбий таъсирини кўрсатди.

➡ 2

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзуидаги халқаро конференциянинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватлангани, унда қўллаб халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, қoлаверса, 20 дан зиёд мамлакатлардан нуфузли делегациялар, етакчи таҳлил марказларининг экспертлари иштирок этганлиги ҳам ушбу анжуманнинг долзарблигини кўрсатади.

Мазкур халқаро анжуманни 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзуида Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси, 2021 йил 15-16 июль кунлари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияларининг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

➡ 2-саҳифага қаранг.

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ НАФАҚАТ ШҲТ МАКОНИДА, БАЛКИ УНИНГ САРҲАДЛАРИДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНИШ ВА ХАВФСИЗЛИККА ИЖОБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари Тошкентда учрашмоқда.

➡ Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ШҲТ маконида амалга оширилаётган Ўзбекистон стратегияси конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби асосий тамойилларга асосланган.

Ўзбекистон ШҲТ фаолиятининг асоси бўлган “Шанхай руҳи”га мувофиқ ҳамжиҳатлик тамойилларини бажаришга фаол ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ саммитидаги натижада Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг замонавий халқаро муносабатлардаги роли тобора ортиб бораётганини таъкидлаган эди.

“Бугун барчамиз дунёда ва минтақада кескинлик ортиб бораётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз, — деган эди Ўзбекистон Президенти, — Пандемиянинг салбий оқибатлари сақланиб

қолмоқда. Буларнинг барчаси биздан янада жипс бўлиш ва ташкилотимиз доирасида бир-биримизни қўллаб-қувватлашни талаб этмоқда”.

Бу галги раислик давлатимиз раҳбари томонидан баён этилган халқаро ташаббуслар доирасида амалга оширилмоқда. Раислик даврида барча соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг қўламли масалаларни ҳал этиш учун турли даражадаги 80 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Хусусан, жорий йил Ўзбекистон раислигида ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида Туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Ҳўжжат бу борадаги шериклики янги босқичга олиб чиқишни мақсад қилган. Битим нафақат туризм компоненти, балки тегишли соҳалар,

шу жумладан, инвестицияларни жалб қилиш, таълим, ОАВ билан ишлаш ва бошқаларни назарда тутди. ШҲТга аъзо давлатлар туризм соҳасида ҳамкорлик дастурини амалга ошириш режаси билан бир қаторда, ушбу битимнинг имзолалиши тегишли вазирликлар ўртасидаги ришталарни чуқурлаштириди, аъзо давлатларнинг сайёҳлик брендларини ўзаро асосда тарғиб қилишга, туристик хизматлар сифати ва хавфсизлигини оширишга, ушбу соҳадаги рақамли технологияларни ривожлантиришга хизмат қилди.

Ташқи ишлар вазирлари кенгашида “ШҲТ эзгу ният элчиси” тўғрисидаги низоом лойиҳасини қўриб чиқиш режалаштирилган.

Бу институтни жорий қилиш ташаббуси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил сентябрь ойида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенга-

шининг юбилей саммитида илгари сурилган эди. Мазкур таклиф барча давлат раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланди ва унинг долзарблиги таъкидланди.

“ШҲТ эзгу ният элчиси” мақоми ШҲТга аъзо давлатларнинг маданият ва санъат, адабиёт ва илм-фан, муסיқа ва спорт соҳаларидаги таниқли арбобларига, жамоатчилик эътирофи, ҳурматига сазовор бўлган кишиларга берилиши қўзда тутилган.

Умуман олганда, ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида 50 та ташаббусни илгари сурди. Уларнинг деярли барчаси ташкилот аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиб, изчил амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда ШҲТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. У хадал ривожланмоқда. Ташкилот 8 доимий аъзо давлатни, 4 ку-

затувчи ва 9 мулоқот бўйича шерик мамлакатни ўз атрофида бирлаштирган. 21 мамлакатдан иборат “ШҲТнинг катта оиласи” уч қитъани — Осиё, Европа ва Африкани қамраб олган. Шу билан бирга, бошқа мамлакатларнинг ушбу тузилма билан у ёки бу форматда ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқиши тобора ўсиб бормоқда. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан ошди ва Евроосиё қитъаси ҳудудининг 60 фоиздан ортIGINини қамраб олган. ШҲТ мамлакатларининг умумий аҳолиси 3,2 миллиард кишини, яъни дунё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади.

Бу, албатта, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусларнинг амалга оширилиши Евроосиё ва умуман, дунёда барқарор тараққиёт ҳамда хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

➡ **“Дунё” АА.**

Акс садо

АФҒОНИСТОН ОСОЙИШТА ВА ФАРОВОН ЎЛКАГА АЙЛАНИШИДАН БАРЧА БИРДЕК МАНФААТДОР

Кейинги йилларда юртимизда олиб борилаётган очиклик сиёсати боис минтақамизда мутлақо янгича муҳит шаклланимоқда. Қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатга асосланган муносабатлар изчил ривожланиб бораётир. Хусусан, Афғонистон билан йўлга қўйлаётган алоқалардан бутун минтақа давлатлари бирдек манфаатдор. Шу маънода, бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни янада кенгайтириш биз учун айни муддаодир.

Яқинда пойтахтимизда 20 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар делегациялари иштирокчида бўлиб ўтган “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзuidaги халқаро конференция ҳам шу алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган билан алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Дарҳақиқат, нуфузли тадбирда Афғонистонда барқарорлик, хавфсизлик, иқтисодий тикланиш, шунингдек, унинг минтақавий ҳамкорлик жараёнига интеграциялашувига қўмаклашиш бўйича жаҳон ҳамжамияти ёндашувлари бўйича комплекс чора-тадбирлар ва тақдирларни ишлаб чиқиш масалалари батафсил қўриб чиқилди.



Тадбирнинг муҳим воқеаларидан бири эса Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаати бўлди. Негаки, унда давлат бошқарувида афғон жамияти барча қатламидан вакиллар кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, миллий ва диний гуруҳлар асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишининг фундаментал асосини ташкил этиши ҳар жиҳатдан далиллаб берилди.

Бу беҳиз эмас, албатта. Зеро, Афғонистон билан узоқ муддатли ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда қўшни давлатда тинчлик ўрнатишга қўмаклашиш Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Айни чоғда бу ўзбек ва афғон халқларининг азалий дўстлик ришталари билан боғланган, умумий маданий, маънавий ҳамда тарихий қадриятлар, буюқ аجدодларимизнинг мероси бирлаштириб тургани билан изоҳланади.

Анжуманда иштирок этган Афғонистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари вазифасини бажарувчи ўз сўзида таълим муассасалари ҳозирда ўз фаолиятини тиклаганини, бугунги кунда 10 миллиондан зиёд болалар мактабларда таълим олаётганини алоҳида урғулаб ўтди. Табиийки, бундан барча иштирокчилар бирдек мамнун бўлди. Негаки, бу заминда тинчлик барқарор бўлишдан нафақат минтақамиз, балки бутун дунё манфаат қўради.

Ўз навбатида, Афғонистонда жамиятнинг муҳим қисми ҳисобланган хотин-қизларга ҳам ишлаш учун кенг шарт-шароит яратилгани ва ойлик иш

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари
қўмитаси раиси.

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИ

Афғонистон юртимиз учун тарихий-маданий ва цивилизация жиҳатидан яқин қўшни. Бизни ягона дин, ўхшаш маданий қадриятлар, бир-бирига ҳамоҳанг анъана ҳамда одатлар ҳам яқинлаштириб туришини инобатга олсак, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон учун муҳим. Зеро, халқимизнинг “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган мақоли бежиз айтилмаган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкентда ўтказилган “Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзuidaги халқаро конференциянинг жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватлангани, унда қўллаб халқаро ва минтақавий ташкилотлардан, қолаверса, 20 дан зиёд мамлакатлардан нуфузли делегациялар, етакчи таҳлил марказларининг экспертлари иштирок этганлиги ҳам ушбу анжуманнинг долзарблигини кўрсатади.

Мазкур халқаро анжуманни 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтган “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси, 2021 йил 15-16 июль кунлари “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” халқаро конференцияларининг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистоннинг мақсади битта. Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожлантирган, ишонч ҳамда дўстлик маконига айлантиришдир. Бунинг учун Президентимиз ташаббусида қўра кўшни ва ёндош минтақалар билан ўзаро алоқаларни кучайтиришга, атрофимизда хавфсизлик “камар”ини яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Жафокаш афғон заминидан тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан нафақат қўшни мамлакатлар, балки бутун дунё манфаатдордир. Ҳозирги қийин даврда Афғонистонни аяқлаб, уни муаммолар гирдобига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Айни пайтда у ерда оғир иқтисодий инқироз юзага келган бўлиб, гуманитар вазият кескинлигича қолмоқда, минтақавий хавфсизлик ҳамда барқарорликка таҳдидлар сақланиб турибди. Ўзбекистон позициясига қўра, халқаро ҳамжамият ушбу мамлакатнинг бугунги кунини ва келажagini учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олиши ҳамда Афғонистоннинг оғир ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш бўйича қўмақ кўрсатилишини давом эттиришга қаратилган аниқ чораларни қўриши керак.

Афғонистон минтақада узоқ муддатли хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашининг асосий омилли эканлигига шубҳа йўқ. Афсуски, дунёда юз бераётган сўнги воқеалар туфайли халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистонга бўлган эътибори бир оз сусайди. Афғонистоннинг халқаро майдонда аяқлаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Шу нуқтананга қараб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан БМТ шафелигида Термиз шаҳрида кўп тармоқли транспорт-логистика хабар яратилгани ўз вақтида қўрилган чоралардан бири бўлди.

Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, Россия, АҚШ, ЕИ ҳамда бошқа давлатлар ва БМТ тузилмалари иштирокчида 25-26 июль кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги халқаро конференция, биринчидан, ушбу масалаларни долзарблаштириш ҳамда ҳар томонлама муҳома қилиш учун қўлай имкониятни яратди. Иккинчидан, Афғонистон инқирозини тинч йўл билан ҳал қилиш учун минтақа давлатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, мамлакатда барча этник ва сиёсий гуруҳларнинг иштирокига асосланган инклюзив ҳукумат тизимини жадаллаштириш, шунингдек, инсон ҳамда аёллар ва миллий озчиликларнинг ҳуқуқларини таъминлаш сари зарурий қадамларни ташлашда муҳим ўрин тутди. Тошкент халқаро анжуманида Афғо-

нистон Муваққат ҳукумати томонидан мамлакатдаги террорчи ташкилотлар фаолиятига йўл қўймаслик ҳамда Афғонистон ҳудудидан қўшни давлатларга таҳдидларнинг олдини олиш бўйича ўз мажбуриятлари бажарилишини муҳимлигига, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг бошқа талабларига алоҳида эътибор қаратиш масалалари ҳам ўрин олгани бежиз эмас.

“Толибон” ҳукумати ҳокимият тепасига келгандан буён Афғонистон хавфсизлиги масаласида жуда кўп гапирилмоқда, аммо ҳеч бир давлат шу вақтга қадар жафокаш афғон заминидан ривожланиш жараёнларини муҳома қилиш ташаббуси билан чиқмади. Шу маънода, Тошкент халқаро анжумани янги Афғонистон тараққиётига бағишланган илк конференция ҳисобланади. Афғонистон Ташқи ишлар вазирлиги идораси раҳбари вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий конференциядаги нутқида Ўзбекистоннинг бу борадаги ўрнини юксак қадришани алоҳида таъкидлаш ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни таъминлаш ғояси ташаббускоридир. Бунга эришиш учун эса Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорлик бўлиши талаб этилади. Бу борада ҳам Ўзбекистон асосий ролини ўйнамоқда. Таъкидланганидек, давлат бошқарувида афғон жамиятининг барча қатлами вакиллари кенг иштирокини шакллантириш, инсоннинг, айниқса, аёлларнинг, барча миллий ва диний гуруҳлар асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни ўрнатишнинг пойдевори ҳисобланади. Шу нуқтананга қараб, Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистоннинг жорий ҳукумати қатъий ирода қўрсатишга ва терроризмнинг олдини олиш ҳамда унинг барча шакли ва қўриқчиларига қарши курашишга, ҳар қандай халқаро террорчи ташкилотлар билан алоқаларни узишга чакирди.

Бу Муваққат ҳукуматга бўлган ишонч-ни оширишга хизмат қилди, Афғонистонни барқарор ривожлантириш, атрофдаги давлатлар ва халқаро ҳамжамият билан дўстона, яхши қўшничилик ҳамда ўзаро манфаатдорлик муҳитидаги ҳамкорлик учун реал истиқболлар очди.

Иштирокчиларнинг барчаси ҳозирги реал вазиятни тан олган ҳолда масалаларни чуқур ўрганиб, шу асосда ўз фикрларини билдирди. Аввало, ҳозир мутлақо бошқа Афғонистон билан муомала қилинаётгани айтилди. Конференцияда Афғонистонга қандай ёрдам бериш, қай тариқа янги лойиҳаларни амалга ошириш мумкин, деган саволлар атрофида ҳам фикр алмашилди. Анжуман иштирокчилари Афғонистон муаммоси ва уни ҳал қилишда Ўзбекистоннинг ролига юксак баҳо берди.

Албатта, бу Афғонистон бўйича Тошкентда ўтказилган биринчи конференция эмас. Бунгача уюштирилган анжуманларнинг ҳам ўз кун тартибни бўлган. Бу галги анжуман кун тартиби эса мутлақо янги мазмун касб этди. Жумладан, Афғо-



нистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий Афғонистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларини ривожлантиришга тайёр эканини маълум қилди. Албатта, қирқ йиллик уруш сабабли мамлакатда қўлаб муаммолар туپланиб қолган, аммо янги ҳукумат ана шу муаммоларни ечишга тайёрлигини билдирмоқда. Халқаро анжуманда томонлар учун оғриқли масалалардан бири, яъни чет элда “музлатилган” афғон молиявий ресурсларидан фойдаланиш масалалари ҳам АҚШ, ҳам Афғонистон вакиллари томонидан қўтарилгани ҳолда, муҳома қилинди. Бу олдинги кун тартиби тарихда қолганидан далолат беради. Ҳозир Афғонистон олдида турган асосий масалалар — ривожланиш, иқтисодий тикланиш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларидадир. Қисқача айтганда, анжуманда янги Афғонистонни қуриш модели муҳомамадан ўтказилди. Бу Афғонистон учун ҳам, Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият учун ҳам ғоят катта муваффақият бўлди.

Яна бир эътиборга молик масала. Афғонистон Муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амир Хон Муттақий Афғонистон ҳудуди бундан буён Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатлари учун хавф туғдирмаслигини билдирди. Бу баёнот шундан далолат берадики, 44 йилдан сўнг ният Афғонистонда марказий ҳукумат ташкил топмоқда. Бугун Афғонистон ҳудуди яхлитлигича марказий ҳокимият томонидан бошқарилмоқда. Ўз навбатида, бу бошқа мамлакатларга Афғонистон билан яқин алоқаларни ўрнатишга имкон яратади. Афғонистон дунёнинг барча давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўзаро хурмат асосида дипломатик муносабатлар ўрнатишдан манфаатдор эканини афғон расмийлари қайта-қайта тақдорлади.

Аслида ҳам, Афғонистонда тинчлик ҳамда барқарорлик мустақамланишидан бутун дунё манфаатдор. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустақамлаш тўғрисидаги махсус резолюция ҳам айнан афғон заминда тинчликни сақлаш ҳамда халқаро хавфсизлик борасида алоҳида аҳамиятга эга ҳўжжат ҳисобланади.

Конференцияда сўзга чиққан қўлаб давлатлар вакиллари Афғонистон тараққиёти йўлида ҳамкорликка тайёр эканлигини билдирди, ўз тақлиф ҳамда тавсияларини берди. Демак, барчаннинг нияти — Афғонистонда тинчлик бўлиши, унинг Жанубий ва Марказий Осиёни боғловчи ҳамкорлик воситасига айланишидир. Хавфсизлик, иқтисодий, инфраструктура ҳамда ижтимоий муаммоларга бағишланган алоҳида шўъбаларда масъуллар ва экспертларнинг таҳлиллари асосидаги муҳомааларда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Афғонистонга оид муҳим халқаро конференцияни ўтказиш орқали яна бир бор тинчлик ва барқарорлик учун курашаётган, стратегик мақсадлари аниқ бўлган давлат сифатида халқаро ҳамжамиятга ўз позициясини намён этди.

Гўлҳебра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори.

Халқ сўзи

2022 йил 29 июль

Билавал Бхутто-Зардарий: БАРҚАРОРЛИККА ЭРИШИШ УЧУН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗНИ БИРЛАШТИРИШИМИЗ ЛОЗИМ



➡ **Ж а м о а в и й** ҳаракатлар, ҳийла кучли ва барқарор халқаро иқтисодий тизимни яратиш зарурати бу инқироздан олдинг муҳим сабоқ ҳисобланади. Биз тинчлик, барқарорлик ва ўсиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, шунинг учун ШҲТ минтақасининг гуллаб-яшнаши, тараққиёт ва барқарорликка эришиш учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

— **Жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг бўлажак йилгишидан нималарни кутяспиз?**

— Самарқанддаги саммит ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари учун долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар, шунингдек, ташкилот фаолиятининг стратегик йўналишлари бўйича фикр алмашини учун муҳим имконият яратди. Саммитда давлат раҳбарлари ташкилотга аъзо барча мамлакатларнинг ўзаро манфаатдорлигига асосланган ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик йўна-

Сенатор ва ҳаёт

ҲУҚАРОНИНГ МУРОЖААТИ САМАРАЛИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Кейинги йилларда Олий Мажлис Сенатида аҳолини қабул қилиш ҳамда ҳуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тобора изчиллик касб этиб бормоқда.

Буни куни кеча парламент юқори палатасининг Аҳборот сиёсати ва давлат органларида очиклиқни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Фарход Бокиев томонидан ташкил этилган ҳуқаролар қабули мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қабулга 20 нафардан зиёд ҳуқаролар субъекти, моддий ёрдам ахратishi, уй-жой масаласи, суд қарори ижроси каби масалалар билан келган бўлиб, уларнинг ҳар бири билан суҳбатлар ўтказилди ҳамда муаммолари

атрофлича таҳлил қилинди. Яқунда 3 нафар ҳуқаронинг масаласи, жумладан, Қашқадар вилоятининг Шахрисабз туманида яшовчи Ғуфур Б. Ёрваннинг фарзандларини даволаш учун моддий ёрдам ажратиш бўйича қилган мурожаати ижобий ҳал этилди.

Ўз навбатида, 12 та мурожаат назоратга олинди. Қолган мурожаатлар юзасидан ҳуқароларга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар берилди.

«Халқ сўзи».

Ўрганиш

КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЎТЛАДИГАН МАХСУС ҚАБУЛХОНАДА БЎЛДИ

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида 2022 йил июль ойида юз берган ҳўлат ва воқеаларни ўрганиш бўйича комиссия аъзолари томонидан Оролбўйида ўрганишлар олиб борилаётганидан хабарингиз бор.

Комиссиянинг навбатдаги манзили — Қорақалпоғистон Республикаси ИИБга қарашли маъмурий қаммоқа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхонаси бўлди.

Ўрганиш чоғида таъкидланганидек, намойиш пайтида ушбу қабулхонага ҳам ҳужум уюштирилиши натижа-сида унинг дарвоза, девор ва бино қисмига зарар етказилган.

Комиссия аъзолари томонидан махсус қабулхонада шахсларни сақлаш хоналари (камералар) ва бошқа объектлар видеокузатув мосламалари билан тўлиқ жиҳозланган. Комиссия аъзоларига кузатув тасвирлари республика бўйлаб ягона тизимга бириктирилгани ва тасвирларни ўчириб ташлашининг имкони йўқлиги маълум қилинди.

Комиссия аъзолари, шунингдек, ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан ҳам учрашди.

Мулоқот давомида жамиятда улар бевосита халқ орасида қўриб, аҳоли қайфиятини ва масалаларини ўрганишда фаоллик кўрсатаётгани ойдинлашди.

«Халқ сўзи».

Дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар, халқаро муносабатларда ўрнатилган тартиб-таомилларнинг ўзгариб бораётганлиги, хавфсизлик, экология ва умуман, инсоният ҳамжамиятининг истиқболи учун муаммолар келиб чиқаётган бир пайтда Марказий Осиё давлатлари учун ижтимоий-иқтисодий тараққий этишда, хавфсизлик ва сиёсий барқарорлиқни таъминлаш борасида янгича ривожланиш йўлини танлаш зарурати туғилмоқда. Бунги Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувида Президентимиз томонидан илгари

Нуктаи назар

Хусусан, иқтисодий йўналишда мамлакатлар ўртасида ўзаро савдони рағбатлантиришининг янги шакл ва механизмлари ни фаол жорий қилиш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари сүриш, минтақада маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш маконини шакллантириш, иқтисодиёт тармокларини рақамлаштириш масалаларига оид аниқ таклифлар илгари сүрилди. Шу билан бирга, минтақанинг инвестиция соҳасидаги умумий жозибадорлигини ошириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш зарурлиги асослаб берилди. Ушбу таклифларнинг амалга оширилиши Марказий Осиё мамлакатлари учун **умумий манфаатлардан бири — миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш**га хизмат қилишига катта умид билдирилмоқда.

Интеграциялашувнинг муҳим омиллари

Янги дунё тартиби ўзгариб бораётган бир пайтда Марказий Осиё минтақаси гео­сиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари Евроосиёнинг марказий қисмида, океанларга тўғридан-тўғри чиқиш имконига эга бўлмаган минтақада жойлашган бўлса-да, унинг очиқ денгиз ҳамда океанлардан узоқлиги глобал жа­раёнлардан узоқлаштирмайди.

Марказий Осиё бир вақтнинг ўзида Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи йўл, транспорт ҳамда транзит коммуникацияларининг туташуви­да жойлашганлиги минтақаларо ин­теграция жараёнларини кучайтиришининг асосий омиллари ҳисобланади. Буюк Ипак йўли бўйлаб қитъаларни боғлаш, бу орқали моддий ва номоддий активлар, хусусан, илгор таъриба, ютуқлар ҳамда гоъларни ўзаро алмашish имкониятига эга. Транзит йўлакларни тизими эса Осиё ва Евро­падаги жаҳон ишлаб чиқариш марказлари ўртасида товар ҳамда капитал оқимининг қўлайлишига хизмат қилиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси жаҳон иқ­ти­со­диё­ти учун, биринчи навбатда, хо­ма­шэ, нефть, газ, кўмир ва турли металлар манбаи, шунингдек, қишлоқ ҳўжалиги мах­су­лотларини етказиб бериш сифатида та­нилган. Минтақада нефть захираларининг умумий ҳажми жаҳон нефть ресурслари­нинг қарийб 2 фоизини (30 миллиард бар­рель) ва газ ресурсларининг 10 фоизи­дан кўпрогини (20 триллион куб метр) та­шиқил этади. Минтақа кўмир қазиб олиш бўйича дунёда 10-ўринда, электр энергия­сини ишлаб чиқариш бўйича эса 19-ўрин­ни эгаллайди. Қора, рангли ва нодир ме­талларнинг катта захираларига эга.

Хозирги вақтда Марказий Осиёда мин­тақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш учун принципиал жиҳатдан янги қулай шарт­шароитлар шаклланганлигини ўзбекис­тонда кейинги беш йилда амалга оши­рилган кенг қамровли ислохотлар нати­жаси, десак, адолатдан бўлади. Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳаж­мининг ортиб бориши, асосий транспорт артерияларининг тикланиши ва модерни­зация қилиниши, чегаралар орқали ҳара­катланиш эркинлиги таъминлаётганли­ги, трансчегаравий ҳамкорликнинг кен­гайгани, ишбилармон доиралар ва қўшни ҳудудлар аҳолиси ўртасидаги алоқалар жонланганлиги, ҳеч шубҳасиз, мамла­ка­тимизда олиб борилаётган прагматик сиёсатнинг натижасидир.

Муаммолар ҳамкорлиқни мувофиқлаштиришни тақозо этади

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё дав­латлари билан яқинлашиши, улар билан яқини қўшничилик, дўстона муносабатлар ўрнатиш, савдо ва транспорт тўсиқларини бартараф этиш борасида олиб бораётган фаол ҳаракатларни минтақада интеграция ҳамда ҳамкорлик учун мустаҳкам ва ишонч­ли пойдевор яратмоқда. Эришилган нати­

жаларга қарамай, минтақавий ҳамда мин­тақаларо шериклиқни кенгайтириш бо­расида қатор муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда.

Биринчидан, хозирги вақтда Марказий Осиё минтақаси ягона иқтисодий макон эмас, Қозоғистон ва Қирғизистон Евроосиё иқтисодий иттифоқида, Ўзбекистон мин­тақа давлатлари билан икки томонлама асосда ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўймоқ­да. Буларнинг барчаси нафақат савдо-иқ­ти­со­дий, балки сувдан фойдаланиш, энер­гетика, мамлакатлар ҳудуди орқали ўтувчи транспорт артериялари соҳасидаги умумий масалалар ечимини талаб этади.

Иккинчидан, минтақада қишлоқ ҳўжали­ги махсулотларини қайта ишлаш ҳажми пас­тиглига қолмоқда, унинг улуши 10 — 15 фоиз атрофида (ривожланган мамла­катларда 50 фоиз ва ундан юқори). Шу боис қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини экспорт қилишдан кам миқдорда даромад оли­нади. Айнаи чоғда қишлоқ ҳўжалиги махсулотларининг экспорт географияси ҳам кенг эмас. Масалан, Ўзбекистондан мева-сабзавот махсулотлари, асосан, Қозоғистон, Россия, Хитой, Туркия, Қирғи­

сүрилган ташаббуслардан ҳам яққол англаш мумкин. Ўртбошимиз дунё иқтисодиётида инқирозли ҳолатлар кучайиб бораётганлиги, мамлакатлар ўртасида анъанавий логистика занжирлари узилиши қузатилаётганлиги, инфляциянинг ташқи омиллари салбий таъсири ортаётганлиги, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатарлар қўпаяётганлигини, айниқса, глобал миқёсда мулоқот ҳамда ишонч тақчиллиги тобора ортиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда **Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини** ҳимоя қилиш нуктаи назаридан бир қанча илгор таклифларни ўртага ташлади.



сил ортиб бораётганлигини қуйидаги ми­со­лларда кўришимиз мумкин:

Биринчи, Марказий Осиё мамлакатла­ри иқтисодиётининг глобал алоқаларга дахлдорлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, кейинги чорак аср да­во­мида катта ўсиш суръатларига эришган ҳамда иқтисодиёти товарлар экспортига йўналтирилган мамлакатлар айни пайтда (коронавирус пандемияси ҳамда гео­

катларидаги ижтимоий-иқтисодий вазият­га турли даражада таъсир кўрсатади. Мин­тақавий интеграциялашув ва иқтисодий ҳамкорлик ушбу таъсир даражасини па­сайтириш имконини бериши аниқ.

Учинчи, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти саноат махсулотлари ва ис­теъ­мол товарлари билан ўзини ўзи тўлиқ таъминлай олмайди — уларда аграр хо­ма­шэ ёки ёнилги хо­ма­шэ йўналиши ус­тунлик қилади. Минтақа мамлакатларида тўғридан-тўғри инвестицияларнинг асо­сий қисми (50 фоиздан 80 фоизгача) хо­ма­шэ, шу жумладан, нефть ва газ, металлар ва нору­да фойдаланиш қазилмаларни қазиб олиш, геология-қидирув ишлари, хизматлар кўрсатишга йўналтирилган. Шунга кўра, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани­шида ҳорижий давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар катта аҳамиятга эга.

Россия, Хитой, Туркия ва Эрон Мар­ка­зий Осиё давлатларининг асосий ташқи савдо ҳамкорлари ҳисобланади. Масалан, Тожикистон ташқи савдосининг умумий ҳажмида Россия улуши 23 фоиздан ортиқ, Қирғизистон — 20 фоизга яқин, Ўзбекис­тонда 18 фоизни ташкил этади. Қозоғис­тон умумий импортининг 37 фоизи Россия ҳиссасига тўғри келади. Қолаверса, Қозоғистон ва Қирғизистон ЕОИИ аъзо­лари бўлиб, Россия билан жуда яқин ин­теграцион алоқаларга эга. Ўз навбатида, Хитой ҳам Марказий Осиё мамлакатлари­да иқтисодий мақсатни сезилари дара­жада мустаҳкамламоқда. Хусусан, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси орқали ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг орттириш, транспорт инфратузилмасини модерни­зация қилиш, шунингдек, бизнес ва ма­даний алоқаларни кенгайтириш бо­

МИНТАҚА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

расида лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Бироқ Марказий Осиё давлатларининг асосий иқтисодий ҳамкорлари бўлган дав­латларга нисбатан санкциялар қўллани­лиши минтақа мамлакатлари иқтисодиёт­ига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу маънода, Президентимиз мамлакат­ларда етарли миқдорда ишлаб чиқари­лаётган кенг турдаги озиқ-овқат махсу­лот­лари билан аҳолини кафолатли таъмин­лашининг комплекс тизимини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этди. Бу, энг ав­вало, бошқоқли дон, ёғ-мой ва озуқа экин­лари, сарқил ҳамда қайта ишланган мева-сабзавот, гўшт-сүт ва қўп­лаб бошқа мах­су­лотлардир. Ушбу масалаларда, биринчи навбатда, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ти­зимли ишларни йўлга қўйишимиз лозим­лиги кўрсатиб ўтилди.

Тўртинчи, амалиётда илгор технология­лар ишлаб чиқаришнинг анъанавий усул­лари ўрнини боса бошлаганини айни ҳақиқат. Шу ўринда яқин келажа­да иқ­ти­со­диётнинг қўп­лаб тармоклари жи­ддий ўзгаришларга учраши, ишлаб чиқариш шакли, усуллари ва географияси ўз­гари­ши, қўшимча қийматнинг янги кон­цен­трация марказлари юзага келиши ба­шорат қилинмоқда. Ишлаб чиқаришнинг кам энергия ва кам меҳнат талаб этадиган соҳалари устувор ривожланиши арзон ишчи кучидан фойдаланишга бўлган талабни камайтиради. Бундай шароитда саноатда меҳнат, энергия ва бошқа ре­сурслар сизими юқори бўлган Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон иқ­ти­со­диётдаги роли янада пасайиши мумкин. Бундай жараёнларда илгор илмий-тех­ни­кавий ва юқори технологияли бўшлиқлар­ни эгаллаган мамлакатлар “ўлоқни олиб кетиш”ни ҳисобга олган ҳолда, Масла­ҳат учрашувда Президентимиз бир қанча прогрессив таклифларни ўртага ташла­ди. Хусусан, иқтисодиёт тармокларини ра­қамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, минтақа­да ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўна­лишларида ёш авлоднинг улкан интел­ле­туал салоҳиятига таъинган ҳолда, улар­нинг илгор ташаббуслари, креатив ёнда­шувлари ва стартап лойиҳаларини ҳар то­монлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги таъкидланди.

Шу ўринда айтиш жоизки, юқори те­хнологияли ва илмга асосланган ишлаб

чиқаришни жорий этиш малакали кадрлар жамланишига олиб келади. Юқори мала­кали кадрларни тизимли равишда етиш­тириб чиқариш ривожланган мамлакатлар мисолида бугунги кун ҳақиқати. Шу муно­сабат билан Президентимиз Марказий Осиё давлатлари олдида интеллектуал ре­сурслар (таълим, амалий ҳамда назарий илмий мактаблар)ни шакллантириш, сар­мо­я, капитал ва технологияларни жалб қилган ҳолда минтақанинг ўз техно­логи­к зоналарини яратиш муҳимлигини асослаб берди.

Иқтисодий ўсишнинг замонавий модели

“Марказий Осиё мамлакатлари минта­қавий ҳамкорлик учун етарли салоҳиятга эгами?” “Минтақада интеграция, ҳам­кор­лик ва кооперация қандай амалга ошири­лади, бу борада қандай масалаларни ҳал этиш зарур?” каби саволларга жавоб то­пиш учун яна Президентимиз Маслаҳат учрашувда билдирган фикр-мулоҳазала­рига эътибор қаратамиз.

Давлатимиз раҳбари мулоқотда ўзаро савдодаги тўсиқларни бартараф этиш ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида савдо-иқтисодий соҳада кенг қўламли ришталарни ривожлантиришда ўзаро ҳам­корлиқнинг қулай ҳуқуқий режими­ни ўрнатиш борасида ҳам тўхталиб ўтди. Бу­нинг учун минтақа давлатлари жаҳоннинг йирмик иқтисодий гигантлари билан бево­сита алоқаларни ўрнатиши зарурлиги та­биий. Осиё қитъаси мамлакатлари (Хитой, Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатлар) ўртасида экспорт-импорт опе­рациялари тартибларини соддалаштириш,

перацияси бўйича қўшма лойиҳаларни ил­гари сүриш яна бир муҳим вазифадир. Ички бозорга йўналтирилган кенг турдаги махсулотларга эга бўлган кичик саноат корхоналари ўрнига ҳеч бўлмаганда бутун Осиё қитъаси бозорлари учун фаолият юритувчи йирик ихтисослаштирилган ком­панияларни ташкил этиш минтақа мамла­катлари учун фойдалироқдир. Бунинг учун ўзаро савдо йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, саноат кооперациясини кен­гайтириш, ишлаб чиқариш секторида халқаро кластерларни яратиш, экспорт махсу­лот­ларини учинчи давлатлар бозорларига бир­галликда олиб чиқиш учун логистика мар­казларини шакллантириш зарур.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш масаласига давлатимиз раҳбари Масла­ҳат учрашув иштирокчиларининг алоҳида эътиборини қаратди. Чўнки замонавий ах­борот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича ҳамкорлик нафақат минтақаларо товар айирбошлаш ҳаж­мини оширишга, балки электрон тижорат­ни, хусусан, божхона ва солиқ қонунчили­ги, логистика соҳаларини мувофиқлашти­рувчи тартибни жорий этишга ҳам ҳисса қўшади. Шунингдек, минтақа мамлакатла­ри ўртасида валюта операциялари ва элек­трон пуллардан фойдаланиш имкониятла­рини кескин оширади.

Қўтанининг барча мамлакатлари учун фойдали ҳамкорлик соҳаси туризм индус­трияси бўлиши мумкин. Бу йўналишда, экспертларнинг фикрича, тўғридан-тўғри сарфланган ҳар бир доллар турдош соҳа­ларда қўшимча уч долларга яқин даромад келтиради. Қўпгина ҳорижий сайёҳлар учун бир вақтнинг ўзида минтақанинг бир нечта мамлакатларида ташриф буоришни ўз ичига олган турлар ҳамда жозибадор бўлади. Масалан, Европада сайёх, агар хоҳласа, бир вақтнинг ўзида минтақанинг бир нечта мамлакатларига ташриф буориши мумкин.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлик бораси­да давлатимиз раҳбари махсус туризм маршрутлари ва махсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантириб бориш, шу мақсад­да аниқ таклифларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишни таклиф этди. Бу соҳанинг ривожланишига кенгрок қара­ладиган бўлса, бир қанча долзарб вази­фаларни аниқлаб олиш мумкин. Масалан, бир вақтнинг ўзида минтақанинг бир нечта давлатларига ташриф буориш бўйича туристик дастурларни ишлаб чиқиш, қўшма туристик махсулотни сотиш, Ипак йўли бўйлаб сайёхат қилувчи сайёҳлар учун ягона “Ипак йўли” визаси жорий этиш қатор мамлакатларга бўйлаб сайёҳлик оқимини оширади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминла­шининг долзарблиги муносабати билан билдирилган таклифлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, минтақа мамлакатлари ўртасида агросаноат соҳасида қўшма кластерлар яратиш, шу жумладан, қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини етиштиришдан то қайта ишлаш ва ташқи бозорларга ет­казиб беришга бўлган тўлиқ циклни кам­раб олувчи агрологистика компаниялари­ни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб эта­ди. Бунинг учун замонавий техно­логи­яларга ҳорижий сармояларни жалб қилиш, янги инновацион технологияларни қўллаш орқали қишлоқ ҳўжалиги самарадорли­гини ошириш, қишлоқ ҳўжалиги махсу­лот­ларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича кластер тизимини фаол ривожлантириш борасида қўшма илмий тадқиқотлар ўт­казиш талаб этилади.

Умуман олганда, юқорида келтирилган таклифлар қамрови кенглиги ва тизимли­лиги билан кўп жиҳатдан Марказий Осиё маконида минтақавий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашда **иқтисодий ўсишнинг замонавий моделини** яратишининг конструктив жиҳатларини аналатади.

Хулоса ўрнида айтганда, Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ўртасида кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва амалий минтақавий ҳамкорлиқ­ни ривожлантириш масалалари Ўзбекистон Президенти ташаббуслари билан **концептуал** жиҳатдан очиб берилди. Шу нуктаи назардан қараганда, мулоқотда давлатимиз раҳбари белгилаб берган шериклиқнинг муҳим йўналишларини ҳар то­монлама оқилона тушуниб, англаб олишимизни талаб этади. Президентимиз очиб берган ҳамкорлиқнинг асосий йўналишларини **минтақа тараққиётининг янги концепцияси** сифатида қабул қилишимиз минтақа давлатларининг тарихан ривож­ланиш жараёнини ва мантқий таҳлил этган ҳолда қадриятларни ўрганиш, алоқалар­ни амалга ошириш қоидаларини тизимлаштириш ва мезонларини белгилаб олиш имконини беради.

Демак, эндики навбат эксперт ва мутахассислар томонидан кенг қўламли ҳам­кор­лиқнинг устувор йўналишлари, аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олишдан иборат. Бу борада минтақа мамлакатлари иқтисодиётининг имкониятлари, заиф ва устун жиҳатлари, шунингдек, мавжуд хавф-хатарларни тўғри баҳолаган ҳолда иш юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Шарофиддин НАЗАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

МАҲКУМЛАРГА НИСБАТАН ҚИЙНОҚ ВА БОШҚА ШАФҚАТСИЗ МУОМАЛАДА БЎЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

27 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

Тегишли соҳа вакиллари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Ички ишлар ва­зи­рлиги мутасаддилари, эксперт ва олимлар иштирок этган йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ўз­гариш ва қўшимчалар киритиш тўғ­ри­сида”ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда маҳкумлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг

ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши­ни, шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қили­ни­шини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Фуқароларнинг давлат пенсия таъ­ми­ноти тўғрисида”ги Ўзбекистон Респу­бли­каси Қонуни, Солиқ кодекси ва Жи­ноят-иж­роия кодекси­га жазони ижро қилиш муассасалари томонидан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун ижтимоий солиқ тўлаган дав­рини уларнинг умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланишини назарда тутувчи

ўз­гартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Айни чоғда, Жиноят-иж­роия кодекси­да маҳкумларга нисбатан қийноқ ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний, қадр­қим­матни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга йўл қўйилмас­ли­ги қатъий белгиланмоқда.

Шу билан бирга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга тўғри келадиган яшаш майдони нормаси 2 квад­рат метрдан 3 квадрат метрга оширилган ҳолда бўлиши, улар учун тураржойлар мах­сус воситалар ва мосламалар билан жи­ҳозланиши назарда тутилмоқда.

Йиғилишда қонун лойиҳасини Қонун­чи­лик палатасининг навбатдаги Кенгаш йиғилишига киритиш ва ялли мажлисда биринчи ўқишда қўриб чиқиш мумкинли­ги тўғрисида қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Давра суҳбати

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР — ЁШЛАР НИГОҲИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси томонидан “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ёшларнинг таклиф ва ташаббуслари” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда куйи палатанинг Ёшлар масала­лари бўйича комиссияси аъзолари, Ёшлар ишлари агентлиги мутасаддилари, талабалар ҳамда ОАВ ходимлари иш­ти­рок этди.

Тадбирда дастлаб конституциявий ис­лохотлар жараёнининг бориши, Конститу­циявий комиссия фаолияти ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил 20 июнь куни комиссия аъзолари билан учрашувда илгари сурган таклифлари ҳақида маъ­лу­лотлар берилди.

Таъкидланганидек, навқирон авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва ман­фаатларини таъминлаш, шунингдек, бугун­ги сиёсий жараёнларда уларнинг фикр ва муносабатини ўрганиш гоят муҳим. Айни

чоғда улар конституциявий ислохотларда ўз таклиф ва ташаббуслари, фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этаётгани эътиборга молик.

Амалдаги Конституциянинг фақат 41-моддаси таълим олиш ҳуқуқини ва бе­пул умумий таълим давлат томонидан кафолатланишини ифода этади, холос. Конституциявий қонун лойиҳасининг бир қатор моддаларида ёшлар, вояга етма­ганлар, болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун зарур шароитлар яратиш назарда тутилмоқда.

Учинчи Ренессансинг 4 узвий ҳалқаси — мактабга таълим, умумий таълим, олий таълим ва илмий-техникавий жараёнларни ривожлантириш бўйича янги нормаларнинг

киритилаётгани ўғил-қизларни ҳар томон­лама етук инсон қилиб тарбиялашга қарати­лаётган яна бир эътибор дейиш мумкин.

Тадбирда бу имкониятлар ёшларга кўрсатилаётган раҳмюрклиқнинг юксак на­мунаси эканлиги айтилиб, конституциявий ислохотлар жараёнида уларнинг фаоллиги ва сиёсий саводхонлигини ошириш бўйича қўллаб-таъдирлар, урчушувлар уюштирил­гани ва бу орқали йигит-қизлардан қўллаб-асосли таклифлар келиб тушгани қайд этилди.

Бош қомусимизга киритилаётган нор­малар “Инсон қадрини учун” ғоясини ўзида муҷассам қилган бўлиб, бунда ҳар бир соҳа вакили, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг манфаатлари тўлақонли ўз ифо­дасини топаётгани таъкидланди.

Тадбирда сўз олган ёшлар Конститу­циявий қонун лойиҳаси юзасидан ўз так­лифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

СИЁСІЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ЯРИМ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҲДП фракцияси оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказди. Унда фракциянинг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолияти юзасидан ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фракция томонидан партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоя ва ташаббусларни амалга ошириш, ишбилармонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда тадбиркорлик соҳасини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича тизимли ишлар бажарилди.

Хусусан, фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган ҳолда қабул қилинди.

Шунингдек, фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, Давлат дастурининг ижроси, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган битта “Парламент эшитувчи” ҳамда битта “Ҳуқумат соати” ўтказилди.

Ўтган даврда сайловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларга ҳам жиддий эътибор қаратилди. Жойлардаги назорат-таҳлил тадбирлари, сайлов округларидаги ўрганишлар давомида аниқланган долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига 101 та депутат сўрови юборилди.

Ҳудудлардаги тизимли муаммолар, қонун ва қўноности ҳужжатларнинг ижро этилиш ҳолати юзасидан тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари фракция йиғилишларида доимий тарзда эшитиб борилди.

Фракция аъзолари томонидан жойларга чиққан ҳолда 42 мартаба назорат-таҳлил тадбири ўтказилган ҳолда, уларда қонунларнинг ижро этилиш ҳолати ўрганиб борилди.

Ҳисобот даврида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Қонунчилик палатасига фуқаролардан депутатлар номига келган 2 593 та мурожаатнинг салмоқли қисми ижобий ҳал этилди. Депутатларнинг сайлов округларидаги учрашуви чоғида келиб тушган 3 272 та мурожаатнинг аксарияти қисми бартараф қилинди.

Брифингда ҲДП фракциясининг келгуси режалари ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ярим йилда ҲДП фракцияси қандай натижаларга эришди?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси томонидан ўтказилган брифингда ҳам ушбу масалалар юзасидан ахборот берилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида фракциянинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини ҳамда бошқа тадбирларни самарали ташкил этиш мақсадида 2022 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Шу даврда Ўзбекистон ҲДП фракцияси аъзолари битта қонун лойиҳасига ташаббускор бўлди. Жойларда 38 та қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирлар ташкил этиб, уларда фуқаролар томонидан билдирилган 120 га яқин тақлифлар қонунлари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш жараёнида инобатга олинди.

Фракция ташаббуси асосида қонунларнинг, турли соҳалардаги дастурларнинг ижроси, ҳудудлардаги ўрганишлар давомида аниқланган тизимли камчилик ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган битта “Ҳуқумат соати” ўтказилди.

Шунингдек, долзарб масалалар юзасидан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига 24 та депутат сўрови юборилган бўлса, депутатлар томонидан ҳудудларга чиққан ҳолда 12 мартаба назорат-таҳлил тадбири ўтказилди.

Эътиборли томони, фракциянинг партия билан ўзаро алоқалари мутлақо янгича қўрнишда йўлга қўйилиб, улар томонидан жойлардаги муаммо ва камчиликларни ҳал этишга қаратилган “Депутат маҳаллада”, “Маҳаллада камбағал оилалар сонини камайтириш”, “Депутат ва ёшлар учрашуви” ҳамда бошқа шу каби лойиҳалар амалга оширилди.

Экологик масалалар доимий эътиборда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан ташкил этилган брифингда ҳам ярим йиллик фаолият сарҳисоб қилинди.

Таъкидланганидек, кўриб чиқилган даврда фракция аъзолари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида битта қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Шунингдек, 3 та яхлит, 2 та қонунчиликка ўзгариш киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳалари устиди иш олиб борилди.

Парламент назорати тадбирлари доирасида тегишли вазирлик ва идоралар томонидан қонунлар ва қўноности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, республика мизда кўкаламзорлаштиришни самарали олиб бориш борасида бажарилаётган ишлар, шунингдек, ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишининг олдини олиш юзасидан ўрганишлар ва эшитишлар ўтказилди.

Бу борада фракция томонидан 20 мартаба тегишли мансабдор шахсларнинг ҳисоботи эшитилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 3 та қарори ижроси ўрганилди. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига 13 та депутат сўрови жўнатиildi.

Шунингдек, фракция тақлифига кўра, сайловчиларни ўйлантриб келаятган муаммоларни ҳал этиш, депутатларнинг аҳоли билан ўтказаятган мулоқот ва учрашувлари давомида кўтарилган масалалар, хусусан Ўзбекистоннинг туризм салохиятини ошириш, шу жумладан, экотуризмни ривожлантириш борасида режалаштирилаётган ишлар бўйича тушунириш бериш ва нуқтан назарини баён этиш талаби билан битта парламент сўрови юборилди.

Брифингда фракциянинг келгусидаги фаолияти юзасидан ҳам батафсил маълумот берилди.

«Халқ сўзи».

Фикр

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг шундай сўзлари бор: “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуккуи, қудрати ва таркиби йўқолади”. Бу гапнинг замирида жуда катта маъно-мазмун бор. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар самараси Конституция ва қонун устуворлиги таъминланиши билан бевосита боғлиқ.

АСОСИЙ ҚОНУНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

инсон кадрини улуглашга хизмат қилади

Шу жиҳатдан, бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудида, туман ва шаҳарлар, маҳалла ҳамда гузарларда ўтказилаётган “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбирларда аҳолига қонун лойиҳаси мазмун-моҳияти ҳақида кенгроқ маълумотлар бериш бораберида, халқимиз тақлифлари, фикр-мулоҳазалари ҳам олинмокда.

Биз ҳам Фарғона вилоятидаги учрашуларимиз давомида қорхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда қатор учрашувлар ташкил этиб, юртдошларимизга қонун лойиҳасида назарда тутилган янги нормалар ҳақида тушунчалар бердик. Мулоқотлар чоғида фуқароларимиз Бош қомусимизга киритилаётган ўзгариш ва қўшимчаларни яқдиллик билан қўллаб-қувватлаётгани, очиги, бизни гоёт мамнун этди.

Хусусан, улар инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласига оид нормаларни алоҳида эътироф этиб, қонун лойиҳасида халқимиз томонидан берилаятган ҳар бир тақлиф ўз ифодасини топаётганини, янгиланаётган Конституция то маънода, халқимиз фикр-мулоҳазалари, тақлифлари асосида маромига етказилаётганини айтмокда.

Бош қомусимизда сифатли ва малакали тиббий хизмати ташкил этиш, таълимни ривожлантириш, ижтимоий химояни кучайтириш, экологияга устувор аҳамият қаратиш, хусусий мулк химоясини муҳофаза қилиш, коррупцияга қарши курашиш каби масалаларда конституциявий кафолатларни кучайтиришга оид нормалар акс эттирилганини билдирмокда.

Масалан, қонун лойиҳасининг 13-моддасини олайлик. Ушбу моддада “Ўзбекистон Республикасида демократия

умуминсоний принципларга асосланган, уларга мувофиқ инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, уларга риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш давлатнинг мажбуриятидир”, деб белгилан қўйилмокда.

Бу, ўз навбатида, мамлакатимизни то маънода ҳуқуқий давлат деб эътироф этишга асос бўладиган истак ва ниятларни рўёбга чиқаришга қаратилган билан эътиборда молиқдир.

Ёки Конституциявий қонун лойиҳасининг 27-моддасига киритилиши тақлиф этилган “Ҳар ким уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Суднинг қарорисиз уй-жойдан маҳрум этилишга йўл қўйилмайди”, деган норма аҳолини кўп йиллардан бери қийнаб келаятган “снос” хавфидан халос этиш имкониятини беради.

Умуман, қонун лойиҳасига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар, аввало, “Инсон қадри учун” деган таъмоилини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлиб, уларнинг салмоқли қисми фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий ва экологик ҳуқуқларини, шу жумладан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ҳуқуқларини конституциявий жиҳатдан кафолатлашини кучайтирилишини назарда тутувчи нормалардир.

Мухтасар айтганда, инсон қадр-қимматини юксалтиришга йўғрилган Конституциявий қонун лойиҳасида халқимизнинг кўнглидаги, дилидаги фикр-мулоҳазалар, тақлифлар ўз ифодасини топан. Демак, янгиланган Конституция юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиши мўқарардир.

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналиши миллий манфаатлар ва халқ эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ҳақиқий маънода мамлакат равнақини тезлаштириш, инсон қадриги юксалтиришга қаратилган.

Бу йўлдаги ислохотлар натижадорлиги ва бизнинг улў мақсадларимизга салбий таъсир кўрсатаётган, ривожланишга тўсиқ бўлаётган иллатлардан бири ва энг хавфлиси, бу — коррупциядир. Шу маънода, Президентимиз жуда кўп бора таъкидлаганидек, ҳар бир тармокни, жумладан, таълимни ҳам коррупциясиз соҳага айлантириш гоёт муҳим масаладир.

Бир сўз билан, коррупцияни жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган дахлати иллат, дейиш мумкин. У демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига пугур етказида, инсон ҳуқуқлари бузиллишига олиб келадиган, бозорлар фаолиятига тўсиқлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштирадиган ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдири отиб, гуллаши учун имкон яратди. Ана шу сабабларнинг ўзиде, ушбу иллатга қарши жиддий курашиш, айниқса, таълим тизимида қанчалик муҳим эканини англатади.

Масаланнинг ўта долзарблигидан келиб чиқиб, Тараққиёт стратегиясининг 83-бандида “Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш”, 84-бандида “Коррупцияга қарши соҳа ва тармокларни аниқлаш, коррупциявий омилиларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросият муносабати шакллантириш”, 306-бандида эса “Яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришда жамоатчилик ролини ошириш” каби долзарб муаммоларнинг ечимини топиш вазифалари белгиланди.

Устувор йўналишларни белгилла олиш зарурати

Ватанимиз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ва ижтимоий ривожланишини, халқимизнинг фаровонлигини таъминлаш мақсадида янги Ўзбекистонни коррупциядан холи мамлакатга айлантиришга ҳаммамиз бирдек масул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 24 563 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқула олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Ташхирриятга келган қўёзмалар тақрир қилинмайдиган муаллифга қайтарилмайдиган.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таххиррият компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуготчилар кўчаси, 32-йй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.

Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Борчона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 02.30 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6